

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК  
ХИЗМАТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**16** Сурхондарё вилоятининг ҳудудида чегара зонаси ўрнатилган туман, шаҳар, шаҳарча қишлоқ кенгашлари, темир йўл бекатлари, тайёрагоҳлар ва маъмурий-ҳудудий бўлинмалар рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 12 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1084-1*

*(2011 йил 22 январдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги 68-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 12-сон, 130-модда) асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг 2001 йил 9 ноябрдаги 5 ва 1-сонли қарори (рўйхат рақами 1084, 2001 йил 16 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 йил, 22-сон) билан тасдиқланган Сурхондарё вилоятининг ҳудудида чегара зонаси ўрнатилган туман, шаҳар, шаҳарча қишлоқ кенгашлари, темир йўл бекатлари, тайёрагоҳлар ва маъмурий-ҳудудий бўлинмалар рўйхатига иловага\* мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Ички ишлар вазири**

Тошкент ш.,  
2010 йил 9 декабрь,  
22-сон

**Миллий хавфсизлик  
хизмати раиси**

Тошкент ш.,  
2010 йил 9 декабрь,  
129-сон

**Б. МАТЛЮБОВ**

**Р. ИНОЯТОВ**

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.